

O'ZBEKISTON
RES-PUBLIKASI
TOSHKENT



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 1 ноябрь, шанба

№89 (11.580)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Мамлакатимиз парламентида ўтган республика семинар-кенгаши Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан шу йил ноябрь-декабрь ойларига тайинланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг намоёндалари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинларининг раислари, Олий Мажлис депутатлари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис кўмитасининг раиси Э.Воҳидов олиб борди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан мамлакатимизни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг илгари сурилган стратегик дастурининг амалга оширилиши муносабати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди. Дастур жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган очик демократик давлат барпо этишнинг муҳим ва муқаррар шарти сифатида қонун устуңлигини, шахс, оила ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган. Фуқароларнинг сиёсий онги ошиб, фаоллиги кучайиб боргани сари мамлакатда давлат тасарруфидоғи бир қанча вазифалар нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказила боради.

Олий Мажлис Раиси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик асосда, амалдаги қонун ҳужжатларига тўла ва қатъий мувофиқ тарзда ўтказилиши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари ҳамда

Конституцияда белгилаб қўйилган мустақил танлаш ҳуқуқини эмин-эркин амалга ошира олишлари учун қулай шароит яратиб бериши зарур. Сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтиши, уни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш йўлида жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, барча даражадаги депутатлар, оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Фуломова ўз сўзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги роли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловдаги иштироки масалаларига тўхталди.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари тўғрисида гапирди. Сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кадрлар танлашда ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош инспектори Ё.Мухамедов нутқида ёритиб берилди. Оммавий ахборот воситаларининг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги роли ҳақида семинар-кенгаш қатнашчилари парламентнинг Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси Ў.Ҳошимовнинг маърузасини тинглади.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Усмонов, Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, "Маҳалла" республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадоёбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси Ш.Мунавваров, Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қ.Аъзамов сўзга чиқди.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ТУРТ ОМИЛИ

Аммо унинг бешинчиси ҳам борки, у чинозликларга омад келтирди ва улар пахта тайёрлаш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.



Туман пахтакорлари кечаги кунгача қабул пунктларига 20 000 тонна сифатли хом ашё топширдилар. Хар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнерни ташкил этди.

Умумий ютуққа беистисно ҳамма ширкат ва 331 фермер хўжалиги ўзининг муносиб улушини қўшди. Нафақат туман, балки вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажарган «Эшонобод», С. Раҳимов номли, «Дўстлик», Навоий

номли, «Гулзоробод» ширкат хўжаликлари бугунги кунга қадар режадан ортиқча 5-28 фоиз миқдорда пахта хом ашёси сотди. Туман хирмониغا Охунбобоев номли ширкат хўжалиги 1850 тонна, Т. Охунова номли ва «Ўзбекистон» хўжа-

ликлари 1100 тоннадан пахта тўқдилар. Шунингдек, фермер хўжаликлари ҳам ҳозиргача қабул пунктларига 5500 тоннадан зиёд ҳосил топшириб, туман меҳнаткашларининг умумий ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар бугунги кунда ҳам йиллик режанинг 2 фоизидан ошириб пахта топширмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

«Ўзбекистон»:

ЯНА БЕШ ЮЗ ТОННА

Оққўрғон туманидаги катта карвон – «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳам маррага етиб келди. 903 гектар майдондан ўртача 25,5 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига 2300 тоннадан зиёд юқори навли пахта хом ашёси топширилди.

Шавкат Эшонқулов, Абдулла Эргашев, Абубакир Умаров, Худойберди Мирзааҳмедов бош бўлган оилавий пудратчилар хўжаликнинг умумий хирмониغا, айниқса, баракали ҳисса қўшдилар. Бугунгача улар шартнома режаларини 105-115 фоизга етказиб бажардилар.

Қир шароитида, айниқса, шўрҳок ерларда мўл ҳосил етиштириш ва режани октябрдаёқ бажариш осон иш эмас. Бунинг учун пахтакорлардан омилкорлик, катта тажриба, қолаверса, фидойилик талаб этилади. Ўзбекистонликларда эса, шундай салоҳият бор. Зеро, нафақат туман, балки вилоятдаги илғор хўжаликлардан бири сифатида режани ҳар йили ортиғи билан бажариб қелишаётгани бежиз эмас.

Хўжалик далаларида 400 пудратчи оила ва 600 ҳашарчи теримни давом эттирмоқда. Пудратчилар давлатга яна 500 тонна пахта сотиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«Гулистон»:

УЧДАН БИРИ МАШИНАДА

«Гулистон» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш шартнома режасини Юқоричирчиқ туманида биринчи бўлиб бажарди. Қабул пунктларига топширилган пахта 3000 тоннадан ошиб кетди. Ҳосилдорлик ҳам режадаги 26 центнер ўрнига 27 центнерга етди.

Ана шу хом ашёнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди. Унинг ҳар тоннаси ўртача 220 минг сўмдан сотилгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Хўжалик раҳбарлари мавсум бошиданоқ қўл теримини оқилона уюштиришга ҳаракат қилдилар. Теримчиларга қулай шарт-шароитлар яратишдан ташқари беш кунлик якунида уларнинг ҳақлари қанда қилмай бериб борилди. 500 дан зиёд пудратчи оила аъзолари ҳамда 1500 га яқин паркентлик ҳашарчилар кунига режанинг 4-5 фоизи миқдорда пахта топширилишини таъминладилар.

Бу йил машина теримига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳосил айни етилган паллада тўртта «Кейс» юсак унум билан ишлатилди ва 800 тоннадан зиёд ҳосил улар ёрдамида териб олинди.

Далаларда иккинчи терим энди яримлади. Яна 250-300 тонна ҳосил топшириш имконияти бор. Шу боис, терим қизғин давом эттирилмоқда.

AZIZ

D'OSTLAR!

Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида,
«Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимида 2004
йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га
ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ
ГАЗЕТАНГИЗ!

«ТИНЧЛИК» АҲЛИ МАМНУН

Тошкент тумани Келес шаҳрида жойлашган «Тинчлик» маҳалласининг аҳолиси анчадан буён бир неча километр йўл босиб автобус бекатига борар эдилар. Яқинда маҳалла фаоллари ташаббуси билан бу муаммо ҳал этилди. У ерга бекат қурилиб, Тинчлик — Чорсу, Тинчлик — Юнусобод йўналишлари бўйича маршрут такси қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, келгусида шаҳарнинг турли жойларига қатновчи шундай транспортлар қатновини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

ФАН ВА ЁШЛАР

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида магистр, аспирант, докторант, тадқиқотчиларнинг «Фан ва ёшлар» мавзусидаги VI республика илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда қибрайлик ёш олимлар ҳам иштирок этишди. Улар ўзларининг кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга доир маърузалари билан қатнашди. Конференция сўнггида ўз ихтисосликлари бўйича илмий иш олиб бораётган республика олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларидаги магистр, аспирант, докторант, тадқиқотчилар томонидан аграр ҳўжаликни ривожлантиришга оид турли мавзулардаги маърузалар китоб ҳолида чоп этишга тавсия қилинди.

Иброҳим САИДОВ.

«СЕН ЁЛГИЗ ЭМАСАН»

«Кибрай» соғломлаштириш оромгоҳида Окқовок кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дархон ва Ёшлик маҳаллари фаоллари билан ҳамкорликда ҳудуддаги ногирон болалар учун «Сен ёлғиз эмасан» шиори остида тадбир ўтказилди.

«Американ Интернейшнл» халқаро жамияти томонидан ажратилган турли хил совғалар, безатилган дастурхон атрофидаги марокли суҳбат ва ўйин-кулгилар кўнгли ўқик болажонларга манзур бўлгани шубҳасиз. Хайрия тадбирини ўтказишга ҳомийлик қилган Ўзбекистон пахтачилиги илмий-тадқиқот институти Марказий тажриба ҳўжалиги улар учун 1 тонна микдорида пиез ажратди. Дархон ва Ёшлик маҳаллари фуқаролар йиғини томонидан ҳам ногирон фарзандлари бор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

ЯНГИОБОДДА МЕХНАТ БОЗОРИ

Кибрай туманидаги «Янгиобод» кишлоқда меҳнат бозори бўлиб ўтди. Тадбир давомида қирқ нафар фуқарога малакали маслаҳатлар берилди.

Иигирма нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди, ўн нафари касбга йўналтирилди. Янгиободлик фуқаролардан икки нафарига эса вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди. Зардўзлик хунарини ўрганиш истагида бўлган ўн нафар қиз рўйхатга олинди, олти ойлик ўқув курсларига юбориладиган бўлди. Яна ўн нафари эса «Любакс» усулида тикувчилик касбини ўрганади. Бу мақсадлар учун тегишли маблағни туман меҳнат бўлими ажратади.

Муҳаммад СУННАТОВ.

Анжуман

Юртимиз моддий ва маънавий салоҳияти, меҳнаткаш, ориятли, танти халқи билан маълум ва машҳур. Ҳар биримиз она-Ватан равнақи, унинг порлоқ келажагини кўзлаб, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик жамиятни, ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсади билан яшамокдамыз. Бу жараёнда қонунчиликни эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, эътиқод, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқларини самарали муҳофаза қилиш аҳолининг қонунлардан хабардорлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими шаклланиб, шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва қафолати қонун билан ҳимояланган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид кўплаб конвенция ва халқаро шартномаларга қўшилдики, қонунларимизда уларнинг устуворлиги аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакиллиги (Омбудсман)нинг ташкил этилиши эса инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги сифат даражасига кўтарди.

Чирчиқ шаҳрида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзусига бағишланган қўшма семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Уни Конрад Аденауэр фонди, Ўзбекистон

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳамкорликда ташкил этишди. Машғулотда давлат, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамғармалар, жамоат, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди.

Маслаҳат-кеңашни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

— Чирчиқда кўп бўлганмиз, — деди Конрад Аденауэр фонди-

нинг махсус мухтор вакили Хайнц Бюлер. — Бугунги анжуман инсон ҳуқуқлари мониторинги — инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларига бағишланмоқда. Ўзбекистон бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилганлиги қувончли. Аҳолининг яшаш шароити мураккаблашгани, инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари диний мутаассиблик, ақидапарастлик, террорчилик қучайишига сабаб бўлади. Мамлакатнинг барқарор ва бир текис ривожланиши инсон ҳуқуқларига оғишмай риоя қилинишига боғлиқ.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Олий

ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик алоқалари кенг ривожланиб бормоқда.

Бундай алоқалар, жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топомқда. Бу ҳамкорликнинг амалий натижаларидан бири сифатида АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Хавфни камайтириш агентлиги томонидан «Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик» халқаро дастури доирасида юртимизга кўрсатилаётган беғараз ёрдамни таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида мудофаа муносабатлари ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 2001 йил-

нинг 5 июнида имзоланган шартномага мувофиқ, ўтган йилнинг июлида «Оммавий қирғин қуроллари билан боғлиқ можароларда ҳаракат қилиш» халқаро дастури доирасида АҚШ Мудофаа вазирлиги, Федерал қидирув бюроси томонидан Ўзбекистон Қуролли кучлари тизимларига оммавий қирғин қуроллари ва хавфли моддалар билан ишлаш учун мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар берилган эди.

Ўзбекистон Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, яқинда АҚШ томонидан мазкур вазирлик қидирув-қутқарув кучларига умумий қиймати 58179,5 АҚШ доллари тенг қимёвий ҳимоя воситалари ҳам топширилган.

(ЎЗА).

Мамлакатимизда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

ҒОЛИБ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР

Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси томонидан уюштирилган бу сафарги ўзаро беллашувда ҳам кўпчилик муаллифлар ғолибликни қўлга киритишди.

Кишлоқ ҳўжалиги фани бўйича талабалар ва ўқувчилар учун яратилган бир неча ўқув адабиёти ҳам совринли мукофотларга сазовор бўлди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича чоп этилган «Селекция ва уруғчилик асослари» дарслиги

иккинчи ўрин билан тақдирланди.

«Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги», «Ўзумчилик» деб номланган дарсликлар ҳам йилнинг энг яхши ўқув адабиётлари деб топилди.

«Ем-хашак, донли экинларни йиғиш ва чорвачилик машиналари» ўқув қўлланмасига рағбатлантирувчи мукофот берилди. Ушбу ғолиб нашрлар Тошкент Давлат аграр университети олимлари муаллифлигида юзага келди.

Ахбар АЛИЕВ.

Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари кўмитасининг раиси, Инсон ҳуқуқлари миллий марказининг директори Акмал Саидов, Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳасан Иноятов, сиёсатшунос Михаил Ельшов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизими штабининг раҳбари Михаил Гуревич, Тошкент вилояти инсон ҳуқуқлари бўйича регионал вакили ўринбосари (Омбудсман) Лазизахон Фафурова ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими Фарида Бакаеваларнинг маърузаларини тинглашди. Маърузачилар ва мунозараларда сўз олган иштирокчилар асосий эътиборни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларни амалга оширишнинг халқаро мониторинги, Ўзбекистонда ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўрни, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига қаратишди.

Семинарда қизгин фикр олишувлар, мунозаралар бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоблар олишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Суратда: семинардан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Тошкент вилоятида 383 мингдан ортиқ хонадон газлаштирилган. «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси шу йилнинг биринчи чорагида ушбу хонадонларга лимитдан ташқари 13,2 миллион куб метр, иккинчи чорада эса 7,9 миллион куб метр табиий газ етказиб берди.

ГАЗ ЎҒРИЛАРИ

Бу – ёқилги исроф бўлаётганини, ҳисоб-китоб аниқ олиб борилмаётганини кўрсатади. Хўш, ёқилги сарфи нима учун лимитдан ошиб кетмоқда? Вилоят бўйича 240 минг хонадонга газ ўлчигич ўрнатилган, холос. Бундан ташқари, ноқонуний равишда газ тармоқларига уланаётганлар қанча.

Тошкент туманида яшовчи хусусий тадбиркорлар Б.Салимов ҳамда И.Исмоилийга қарашли сутни қайта ишлаш цехи табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, ўғринча фойдаланиб келган.

Текширишлар якунига кўра, 21 жиноят иши кўзгатилади. Ўн тўрт нафар шахс қаттиқ огоҳлантирилди, ўттиз етти киши интизомий, 129 киши маъмурий, 81 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди, — дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси Шерзод Зулфиев.

Киш яқинлашяпти. Газ таъминотидаги узилышларнинг олдини олиш ундан қандай фойдаланишимизга ҳам боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

ЎЗА.

ҲАКАМЛАР СУДИ ИШ БОШЛАДИ

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга турли маслаҳатлар бериб бориш учун вилоятимиз товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида ҳакамлар суди ўз ишини бошлади.

У ҳўжалик судидан фарқли ўлароқ, иқтисодий тортишувларни қисқа вақт ичида ҳал қилиб, ортиқча

чиқимни камайтиради. Янги тузилган ҳакамлар судининг фаолият мақсади, энг аввало барча

шаклдаги мулкчилик корхоналари ва тадбиркорлик фаолиятида қатнашувчи фуқароларнинг қонуний-иқтисодий манфаатларини ҳамда мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Камолуддин АСҚАРОВ.

ЮНИСЕФ ВАКИЛИ ХУРСАНД БЎЛДИ

Ангренин «Озодлик» маҳалласида олиб борилаётган ташкилий, тарбиявий ва маърифий ишлар йиғилишларда кўпчиликка намуна сифатида қайд қилиб ўтилади.

Бу ерда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам ибратли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Яқинда тад-

биркорлар ажратган маблағ ҳисобига қатор оилалар фарзандлари мактаб дарсликларни, кийим-кечаклар билан таъминланди.

ЮНИСЕФ жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бронда Виго маҳаллада бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишиб, ундан хурсанд бўлганлигини баён этди ва ўзининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз мухбиримиз.

Маълумки, чинозликлар илгарилари ҳам режани вилоятда биринчи бўлиб бажарганлар. Лекин бу йилгиси алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, улар бу йил ўзларидан кейинда бораётган туманлардан 22,5 фоизга ўзиб кетган ҳолда маррага етиб келдилар. Шу пайтгача туман тарихида ҳам, вилоят тарихида ҳам бунақаси бўлмаган эди. Айтиш жоизки, бундай суръат туман пахтакорларининг бой тажриба ва катта салоҳиятларидан далолат беради. Шу муносабат билан ўринли савол туғилади. Хўш, ҳар қачонгидан ҳам оғир ва мураккаб келган бу йилги шароитда туман меҳнат аҳли бундай ютуққа қандай қилиб эришди?

— Бу саволга бир оғиз сўз билан «биз йигим-теримни тўғри ташкил этиб, бор куч

марта кўп юмшатилади. Бунда янги тракторлар жуда иш берди. Шу билан бирга ягонага ҳам эрта, яъни ғўза чинбарг чиқариши биланоқ киришилиб, қисқа кунда якунланди. Айниқса, ҳар бир культивациядан сўнг бор ишчи кучлари сафарбар этилиб, ғўзалар қайта-қайта ўтдан тозаланди.

Жон куйдириб қилинган ана шу саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Гектарларда меъёрдаги кўчат қолдирилгани, далаларни ҳар йилгидек ўт босишига йўл қўйилмагани боис, ғўза ниҳоллари бошиданок жадал ва дуркун ривожланди. Бу эса экишдаги кечикиш ўрнини қоплаш ва эртаки ҳосил етиштириш имконини берди. Бу — биринчи омил.

Иккинчи омил шуки, бу йилги шароитда ғўзани озиклантиришга ижодий

ланган. Бунинг ўрнини тўлдириш учун артезиан, яъни сув насослари ва оқава сувлардан самарали фойдаланиш зарур эди. Туманда шундай қилинди. Жами 68 та насос пухта созланиб, бутун мавсум давомида тартибли ишлатилди. Бошқача қилиб айтганда, ғўза фақат чанқаганида сугорилди. Бунинг учун сувчилар тан-



МУВАФФАКИЯТНИНГ ТҮРТ ОМИЛИ

Аммо унинг бешинчиси ҳам борки, у чинозликларга омад келтирди ва улар пахта тайёрлаш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.



ва имкониятларни тўла ишга сола олдик» деб жавоб бериш мумкин, — деди туман ҳокими Йўлдошбой Тожибоев. — Аммо, масалага кенгроқ ёндошиладиган бўлса, мен асосан тўртта муҳим омилни алоҳида таъкидлаган бўлур эдим...

Ҳокимнинг изоҳига қараганда, бугунги мўл ҳосил учун апрель-май ойларидаёқ мустаҳкам замин яратиб қўйилган эди. Яъни ерда ортиқча нам тўпланиб қолгани ва чигит кеч экилгани назарда тутилиб, 10 та янги чопиқ трактори ва 11 та культиватор сотиб олинди. Шундан тўрттаси хўжаликларнинг ўз маблағлари, қолганлари лизинг йўли билан харид қилинди ва ҳамма хўжаликларда ишлов бериш техникалари эҳтиёжга яраша бутланди. Ердаги зах намни тезроқ қочириш, тупроққа қуёш ҳароратини етказиш ва шу йўсинда эндигина бўй кўрсатган мурғак ғўза ниҳоллари бағрига илиқлик бериш, яйратиш мақсадида культивацияга зўр берилди. Талабга қараб, қатор оралари ҳар йилгидан икки-уч

ёндошилди. Йиллик меъёрдаги маъданли ўғитларнинг асосий қисми экиш вақтида ҳамда дастлабки культивациялар билан қўшиб берилди. Қолгани ҳам ғўза агротехникасида белгилаб қўйилганидек, 1 июлгача бериб бўлинди. Натижада ўғитлар асосан ҳосилга ишлади. Июль-август ойларида берилган ўғит эса ғўзанинг ўсишда давом этишига сабаб бўлади, чеканка ва дефолиациянинг самарасини пасайтиради, хуллас, ҳосил кеч пишади. Юқоридаги икки омилдан кутилган мақсад эса, ҳосилнинг эртаки бўлишини таъминлаш эди. Дарвоқе, бунинг учун маҳаллий ўғитлардан ҳам самарали фойдаланилди. Аксарият хўжаликлар ғўзани асосан шарбат усулида сугордилар. Тупроққа яхши сингиган гўнг ғўзанинг илдиз қисмини қиздириб, ҳосилнинг пишишини тезлаштиради.

Сув таъминоти масаласи туманда бироз мураккаброқ. Мироблар тили билан айтганда туман қулоқбошининг охирида жойлашган. Демак, экинни исталган пайтда сугоришнинг имконияти чек-

лаб сараланди, вазиятга мос қўшимча йўл-йўриқлар берилди ва моддий рағбатлантириб борилди. Бу — учинчи омил.

Ҳокимнинг фикрича, тўртинчи омил республика ҳукуматининг пахтакорлар меҳнатини йилдан-йилга юксак кадрлаб бораётганидир. Хусусан, бу йил пахтанинг харид нархи ўтган йилдагига нисбатан анча оширилди. Айниқса, навлар нархидаги фарқ кескин камайтирилгани деҳқонларга катта моддий ёрдам бўлди. Энг муҳими эса туманда қўлда терилган пахтага ҳақ тўлашда мутлақо узилиш бўлмади. Масалан, оммавий терим 1 октябрда бошланган бўлса, биринчи беш кунликда терилган пахтанинг пули 6 октябр кунини тугача тарқатиб бўлинди. Ана шу тартиб ҳозирги кунгача бузилгани йўқ. Беистисно ҳамма хўжаликларда қўлда терилган 1 килограмм пахтага 31 сўмдан ҳақ тўланди. Иккинчи теримда 40 сўмга чиқарилди. Айрим хўжаликлар эса 50 сўм қилиб белгилади. Бундан ташқари, энг кўп терганларга мукофот тариқасида пахта ёғи ҳам қўшиб

бериляпти. Қўл терими учун ҳозиргача тўланган ҳақ 500 миллион сўмга етиб қолди.

Бизнингча, ҳоким таъкидлаб ўтган оқоридаги тўрт омилга бешинчисини ҳам қўшиш жоиз. Бу — йигим-терим ишларини ташкил этиш масаласи. Зеро, чинозликлар четдан мутлақо ҳашарчи жалб этмай, бор ҳосилни фақат ички куч ва имкониятларни ишга солган ҳолда йиғиб-териш олмоқдалар. Бу ҳам ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Теримда 16 мингдан зиёд киши иштирок этмоқда. Топширилган пахтанинг 80 фоизи биринчи навга қабул қилинди.

— Эртаки ҳосил етиштирган пахтакор иқтисодий жиҳатдан икки томонлама ютади, — деди Чиноз пахта тозалаш корхонаси директори Холдор Холматов. — Яъни, қабул пунктига биринчидан, кўп, иккинчидан эса, юқори сифатли хом ашё топширади.

Дарвоқе, туман пахтакорларининг бу йилги салмоқли ютуғида ушбу корхона жамоасининг ҳам катта хизмати бор. Ҳосилни қабул қилиш узлуксиз ташкил этилди. Пахта орган

бирорта транспорт трактори завод дарвозаси олдида туриб қолмади. Бугунги кунгача корхона режадаги 15 380 тонна ўрнига 15 400 тоннадан зиёд пахта қабул қилди. Уни қайта ишлаш ҳам бошлаб юборилган. Чунончи, ҳозиргача 2900 тонна хом ашё қайта ишланиб, 950 тонна тола олинди. Шундан 700 тоннаси Германия, Италия, Швейцария каби ўндан зиёд хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Туман пахтажорларида эса йигим-терим давом этапти. Чунки, иккинчи терим ҳали бери тугамайди. Айрим хўжаликларда иккинчи теримда ҳам гектарига 10 центнерга етказиб ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Демак, чинозликларнинг бу йилги пахта хирмонлари ҳар жиҳатдан янада баракали бўлади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: пахта йиғим-терими жараёнидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган
суратлар.

Dushanba

3

«Ўзбекистон» телеканал

5.00 Рамазон тухфаси. «Халоллик фазилатлари».

5.20 «Абдуҳолик Ғиждувоний». Видеофильм. 1-қисм. «Афсонавий Бухоро». Хужжатли фильм.

5.50 Мумтоз наволар.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Сехрли сурат». Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолгу оркестрининг концерти.

11.55, 15.45 ТВ анонс.

12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувча».

«Болалар сайёраси».

12.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

13.05 Болалар спорти: «Махалламиз стадиони».

13.20 «Олтин дала». Дам олиш дастури.

13.40 «КиноТеатр».

14.10 «Қишлоқ муаллими».

14.30 «Ошин». Телесериал.

15.15 ТВ клип.

15.25 «Адабий жараён».

15.50 «Оқ бўтоқ».

«Қуш ҳам эмас, хайвон ҳам». Мультфильмлар.

16.20 «Чорраха».

16.35 «Барҳаёт сиймолар».

17.05 Рамазон тухфаси. «Яхшилик».

17.25 «Иктидор». Интеллектуал теле-

ўйин.

18.10 «Дунёқараш».

18.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».

18.40 «Мулкдор».

19.00 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».

21.25 «Ошин». Телесериал.

22.25 «Тасанно».

22.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Миллий университет». Премьера. 1-қисм.

22.55 ТВ клип.

23.05 «Ахборот-дай-жест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз-гизингтоймиз.

17.25 «Сехрли най». Мультфильм.

17.35 ТВ - анонс.

17.40 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Оғир синовлар даври» 1-қисм.

18.05 Ёшлар овози.

18.25 Куёшли юрт одамлари.

18.35 Тафаккур ёлқинлари.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.

20.00 Мусикий лаҳзалар.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.

20.15 Одил сўз.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35

Ўзлонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

23.35-23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бангкок - Хилтон» (яқунловчи).

17.35 «Хориж хабарлари» (рус).

17.40 ТТВда сериал: «Жаҳонгашта Рицарь».

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 20.35, 22.50 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Бог». 1-қисм.

20.20 «Авто-news».

21.00 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».

21.50 «Инсон ва қонун».

22.10 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

23.10 Кинонигоҳ. «Севги мактуби».

00.50-00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 8.00.

17.30 Кўрсатувлар тартиби.

17.35 «Вести».

17.45 «Парле ву франсе?».

18.10 «Евроњуос янгиларлари».

18.30 Ю. Сенкевичнинг хотирасига бағишланган кўрсатув.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

19.50 «Кулгу хонаси».

20.35 «Дунёнинг янги муъжизалари».

21.00 «Время».

21.30 «Бизнес ревью».

21.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

21.55 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Куз».

22.05 Кинематограф. «Шахло кўздаги доғлар». Бадий фильм.

23.40 «Ахборот».

00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур».

17.30, 20.45 «Телехамкор».

18.00 «30-канал» киноқшоми: «Жавоб юриши».

19.30 «Ошикона». Мусикий дастур.

19.45 «Турецкий марши».

Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» киноқшоми: «Парижлик аёл».

23.15 «30-канал» да спорт.

Seshanba

4

«Ўзбекистон» телеканал

5.00 Рамазон тухфаси: «Яхшилик».

5.20 «Абдуҳолик Ғиждувоний». Видеофильм. 2-қисм. «Чор Бакр».

Хужжатли фильм.

5.50 Мумтоз наволар.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 Дутор ва танбур тароналари.

9.20 «Мулкдор».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Сехрли эртақ». Бадий фильм.

11.15 «Кўпчилик қаторида».

11.35 «Шарқ тароналари».

11.55, 16.00 ТВ анонс.

Кузги таътил кунларида:

12.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади:

Болалар учун фильм.

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари».

1-қисм.

12.45 «Бизнес ҳафта».

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Умр мазмуни».

14.30 ТВ клип.

14.40 «Муносабат».

15.10 ННҚ тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал.

16.05 «Ватанимга хизмат қиламан».

17.05 Рамазон тухфаси. «Таъмағирлик».

17.25 Марказий Осиё ўйинлари. Эркин кураш.

18.10 «Тафсилот».

18.30 Бир жуфт кўшиқ.

18.40 «Ифтихор».

19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).

20.30 «Ахборот».

21.05 «Фарз ва қарз».

21.20 «Халқнинг кўнгли».

Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.

22.00 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Миллий университет». Премьера. 2-қисм.

22.30 ТВ клип.

22.35 «Ошин». Телесериал.

23.35 «Ахборот-дай-жест».

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Уй вазифаси.

10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.35 Саломатлик сирлари.

10.55 Минг бир ривоят.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 ТВ - адвокат.

11.35 «Гвадалупе». Телесериал.

12.15 Бизнес академия.

12.30 Ёшлар овози.

12.50 Мусикий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз-гизингтоймиз.

13.30 Кузги таътил экран: «Семурғ».

Бадий фильм.

14.45 Интерфутбол.

16.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.10 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 8-қисм.

17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.45 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Оғир синовлар даври» 2-қисм.

18.10 Минг бир маслаҳат.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» - интервью.

19.50 ТВ - анонс.

19.55 «Хотира» туркуми-

дан: «Менгзиё Сафаров». Видеофильм 1-қисм.

20.10 Мусикий лаҳзалар.

20.15 Дийдор.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Ноккаут, 2.Теннис.

23.45 - 23.50 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.05 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Жаҳонгашта Рицарь».

17.45 Мультфильм.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус).

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 Болажонлар экран.

18.30, 20.00, 21.50, 23.05 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Бог». 2-қисм.

20.20 «Туризм ҳақида».

21.00 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».

22.05 «Ҳамшаҳарлар».

22.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

23.25 Кинонигоҳ. «Борт ортида».

1.05-1.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 8.00.

17.35 Кўрсатувлар тартиби.

17.40 «Вести».

17.50 «Жонли табиат».

18.05 «Евроњуос янгиларлари».

18.30 «Муҳаббат тарихи».

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 Премьера «Қочиб». Сериал.

21.00 «Время».

21.30 «Бульвардаги воқеалар». Комедия.

1-қисм.

22.40 «Бизнес ревью».

22.45 «Серфинг». Хужжатли фильм.

23.05 FCN Ўзбекистон янгиларлари (инглиз тилида).

23.15 «Хинд оҳанглари».

23.40 «Ахборот».

00.15 Кинематограф. «Хизматкорнинг синглиси». Бадий фильм.

1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар». Сериал.

10.40 «Маърифий дастур».

11.10 «Сан-Тропе». Сериал.

12.00 «Парижлик аёл».

Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.

15.00 Телешоу. 16.00 «Кикбоксинг империяси».

16.40 Хужжатли сериал.

18.00 «30-канал» киноқшоми: «Учинчи вариант».

19.30 «Ошикона». Мусикий дастур.

19.45 «Турецкий марши». Сериал.

21.05 «Клип-совға». Теле-табрикнома.

21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ахлат ташувчи».

23.15 «30-канал» да спорт.

Chorshanba

5

«Ўзбекистон» телеканал

5.00 Рамазон тухфаси. «Таъмағирлик».

5.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Хўжа Ахрор Валий», «Хива».

5.40 «Дилрабо».

Фольклор ансамблининг концерти.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Соғлом она - соғлом бола».

9.20 «Шу азиз Ватан барчамизники».

9.40 «Портретга чизгилар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Тафсилот».

10.25 «Париларнинг кузги совғаси».

Бадий фильм.

11.40 «Хунарманд».

Кузги таътил кунларида:

12.05 «Ўзбектелефильм» студияси

намойиш этади: Болалар учун фильм.

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари».

2-қисм.

12.45 ТВ клип.

12.55 «Ошин». Телесериал.

13.55 ТВ анонс.

14.10 «Фарз ва қарз».

14.25 Кундузги сеанс: «Интеграл». Бадий фильм.

15.35 «Ягона оилада».

«Болалар сайёраси».

16.05 1. «Қизқарли учрашувлар».

2. «Кўшигим - жон кўшигим».

17.05 Рамазон тухфаси. «Мовароуннахр маркази: Самарқанд Бухоро».

17.30 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

18.10 Марказий Осиё ўйинлари. Ўзбек кураши.

18.35 «Эл саломатлиги йўлида».

18.50 «Қалб гавҳари».

19.10 «Ҳаётимиз комуси».

19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Журналист тахлили».

21.20 «Ошин». Телесериал.

22.20 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».

22.35 «Қизлар давраси».

23.45 «Ахборот-дай-жест».

00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

9.40 «Мульттомоша».

9.50 Одил сўз.

10.15 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.50 «Давр» - интервью.

11.05 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.

11.25 ТВ адвокат.

11.30 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.10 Ёшлар овози.

12.30 «Хотира» туркумидан: «Менгзиё Сафаров». Видеофильм 1-қисм.

12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 Кузги таътил экран: «Сохибжамол ва мактук».

14.40 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1.Ноккаут, 2.Теннис.

15.40 Мусикий лаҳзалар.

15.50 Автопатрул.

16.10 Ғазал соғинчи. Алишер Навоий ғазали.

16.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Нақшлар жилоси».

16.40 Дийдор.

17.00 ТВ - анонс.

17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Ҳамма нарсани билишни истайман.

17.40 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Оғир синовлар даври» 3 қисм.

18.05 «Фарзандим».

Телесериал.

18.20 «Хотира» туркумидан: «Менгзиё Сафаров». Видеофильм 2-қисм.

18.40 Чемпион сирлари.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 Очил дастурхон.

20.00 Спорт-лото.

20.10 «Хотира» туркумидан: «Менгзиё Сафаров». Видеофильм 2-қисм.

20.25 Мусикий лаҳзалар.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

23.35-23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Жаҳонгашта Рицарь» (яқунловчи).

17.45 Болажонлар экран.

17.55 Хориж хабарлари (рус).

18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Мусикий меҳмонхона».

18.30, 20.00, 22.00, 23.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Бог». 3-қисм.

20.20 «Аёл, она-мураббий раҳбар». Телеклуби.

20.55 «Сўхбатдош».

21.15 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».

22.15 «Ҳимоя».

22.35 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

23.35 Кинонигоҳ. «Болаларим қаерда».

1.05-1.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 8.00.

17.30 Кўрсатувлар тартиби.

17.35 Вести.

17.45 «Мультсеанс».

18.00 «Евроњуос янгиларлари».

18.20 Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

20.00 «Қочиб». Сериал (сўнгги қисм).

21.00 «Время».

21.30 «Бульвардаги воқеалар». Комедия. 2-қисм.

22.40 «Бизнес ревью».

22.45 «Дунё маданияти дурдоналари».

23.05 «Ахборот».

23.40 Кинематограф. «Бир сония қолганда». Бадий фильм.

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар». Сериал.

10.40 «Маърифий дастур».

11.10 «Сан-Тропе». Сериал.

12.00 «Ахлат ташувчи». Фильм.

13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.

15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал.

18.00 «30-канал» киноқшоми: «Улимга тенг жанг».

19.30 «Ошикона». Мусикий дастур.

19.45 «Турецкий марши».

Сериал. 21.05 «Клип-совға».

Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» киноқшоми: «Иўқотувчи».

23.15 Спорт дастури.

Payshanba

6

«Ўзбекистон» телеканал

5.00 Рамазон тухфаси. «Мовароуннахр маркази: Самарқанд Бухоро».

5.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Паҳлавон Махмуд», «Соғлом акс этган дунё».

5.45 Олтин мерос.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси».

9.00 1. «Қизқарли учрашувлар».

2. «Кўшигим - жон кўшигим».

10.00, 12.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Бировнинг хати».

Бадий фильм.

11.30 Болалар спорти.

«Бир умр ҳамроҳим».

11.45 «Журналист тахлили».

Кузги таътил кунларида:

12.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: Болалар учун фильм.

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари».

3-қисм.

12.45 «Мусиқа ва театр».

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.00 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаси. Таиланд ва Тожикистон терма жамоалари учрашуви. «ЖАР» стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгилар.

15.50 Эстрада тароналари.

16.10 «Ҳаётимиз комуси».

16.25 «Яхшилик».

17.05 Рамазон тухфаси.

«Зиё маскани».

17.25 «Сарвиноз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 Марказий Осиё ўйинлари. Бокс.

18.40 «Сихат-саломатлик».

19.00 «Бир жиноят изидан».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус

тилида).

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).

20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот.

21.50 «Санъат дўстлигига чорлайди».

22.10 «Ошин». Телесериал.

23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

намоиш этади:
«Оғир синовлар даври» 4 қисм.
16.50 ТВ – анонс.
16.55 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари: Гонконг-Ўзбекистон. Танаффус пайтида - (17.45) Мультфильм.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ – анонс.
19.55 Мусикий лаҳзалар.
20.05 Сув – ҳаёт

манбаи.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ – адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Мезон.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканали
17.10Кўрсатувлар

тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.50, 22.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 «Ўзбектелефильм»

студияси намоиш этади: «Бог». 4-қисм.
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
21.55 «Эл хизматида».
22.15 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
23.15 Кинонигоҳ. «Сен менинг қўшигимсан».
00.55-1.00 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 8.00.

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.45 «Бинафша».
18.10 «Евроњњњ» янгиликлари.
18.30 Хўжжати детектив.
19.00 «Аншлаг».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес ревью».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Метрология: кеча ва бугун».
22.20 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)
22.30 «Ўзбектелефильм» студияси тақдим этади: «Тоғлар чорлайди».
22.40 «Ахборот».
23.15 Кинематограф.
«Интервью». Бадий фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли

рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Йўқотувчи». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хўжжати сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Иккинчи ҳаёт». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Укам Бейб». 23.15 Спорт дастури.

Juma

7

«Ўзбекистон» телеканалн.

5.00 Рамазон тўхфаси. «Зиё маскани».
5.20 «Баҳоуддин Нақшбанд», «Миздакхон». Хўжжати фильмлари.
5.40 «Соз сеҳри».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир жиноят изидан».
10.30 «Атлантидани излаб». Мультфильм премьераси.
11.45 «Фанмиз истикбллари».
Кузги таътил кунларида:

12.05 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: Болалар учун фильм. «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари». 4-қисм.
12.45 «Оламни асранг!»
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 Телмулоқот.
14.55 ТВ анонс.
15.00 ННҚ тақдим этади. «Буюк Ипак йўли». Телесериал.
15.50 Футбол бўйича халқаро хотира турнири.
16.20 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.05 Рамазон тўхфаси. «Кўкалдош мадрасаси».
17.25 «Тарих кўзгуси».
17.45 «Ёш юлдузлар».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Санъатга бахшида умр».
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалн
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ – анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод, Ҳар соҳага саёҳат.
9.55 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
10.05 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.40 «Давр»-интервью.
10.55 ТВ – анонс.
11.00 Минг бир масла-

хат.
11.20 ТВ – адвокат.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Мезон.
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 «Давр».
13.10 ТВ – анонс.
13.15 Кузги таътил экрани: «Уч бақалок».
14.45 Интерфутбол.
16.25 Мусикий лаҳзалар.
16.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.55 ТВ – анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 9-қисм.
17.45 Кўли гул уста.
18.05 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Оғир синовлар даври» 5-қисм.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.

19.55 ТВ – анонс.
20.00 Мусикий лаҳзалар.
20.10 Азизим.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1. Футбол плюс, 2. Ринг қироллари.
00.05-00.10 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалн
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Бог». 5-қисм.
20.20 «Навбатчи қисм».
20.45 «Сўзсиз монолог». Ўзбекистон халқ артисти Н. Раҳимов.
21.25 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.35 Кинонигоҳ. «Хисобли никоҳ».
24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 «Серфинг».
17.00 «Евроњњњ» янгиликлари.
17.20 «Маҳаллаиш йигитлари». Н. Басков, Д. Маликов, «Любэ» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури.
18.00 «Янгиликлар».
18.10 Концерт (давоми)
19.00 «Миллий ов хусусиятлари». Кинокомедия.

21.00 «Время».
21.30 «Қийшиқ кўзгу». Е. Петросян тақлиф этади.
23.30 «Ахборот».
00.05 «Хит парад».
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Кикбоксинг империяси». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Укам Бейб». Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.40 «Хўжжати сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Катта умидлар». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

8

«Ўзбекистон» телеканалн

5.00 Рамазон тўхфаси. «Кўкалдош мадрасаси».
5.20 «Биби Убайда». Телесериал.
5.30 Мумтоз наволар.
5.45 «Асрлардан ҳикоя сўйлаб». Хўжжати фильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ анонс.
9.00 «Хидоят сари».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.20 «Мусиқа дунёси». Телеальманах.
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Адвокатлик осомни?» Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.50, 16.55 ТВ клип.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.00 Футбол бўйича

Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаси. Гонконг - Тожикистон терма жамоалари учрашуви. ЖАР стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - телесериал.
15.50 «Ягона оилада».
16.20 «Изҳор».
16.35 «Адабий жараён».
17.05 Рамазон тўхфаси. Аждодларга эҳтиром: Соҳибқирон.
17.30 «Олимп сари йўл». Спорт дастури.
17.50 ТВ анонс.
17.55 Бугуннинг одамлари.
18.00 «Бир кулишайлик».
18.15 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Дам олиш дастури.
21.35 ТВ клип.
21.40 «Гап чикди».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.15 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Сёғун». Бадий фильм. 1-қисм.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалн
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
10.00 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
10.20 Ринг қироллари.
11.10 ТВ – адвокат.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Кутилмаган меҳмон.
12.15 Ўзбекистон давлат консерваторияси

талабалари куйлайди.
12.30 Кузги таътил экрани: «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ».
13.50 Кўли гул уста.
14.10 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадий фильм 4 қисм.
14.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
15.45 «Куч нимада?» Мультфильм.
15.55 Бола тилидан.
16.25 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Оғир синовлар даври» 6 қисм.
16.50 Ҳандақал плюс.
16.55 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари Ўзбекистон-Таиланд Танаффус пайтида (17.45) Мультфильм.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» репортаж.
19.45 ТВ – анонс.
19.50 Маслаҳат.
20.35, 22.35 Ёшлар.

20.40 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадий фильм 5-қисм.
21.15 «Оҳанрабо».
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Вихдон». Бадий фильм.
1.15 – 1.20 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалн
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мисли гавҳар».
19.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.35 «Жаҳон географияси».
20.05 «Нима учун?»
20.35 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Бог». 6-қисм.
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

21.35 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.35 Кинонигоҳ. «Ўнта негр боласи». 1-қисм.
23.40-23.45 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Уйга қайтиш». Игорь Николаев.
11.15 «Аср сирлари».
12.00 Болалар соати: «Пан Кляксанинг саргузаштлари».
13.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
14.10 «Саёҳатдан сўнг».
14.20-15.20 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг. Ўзбекистон», «Айдинлар», «Бизнен мирас».
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 «Билишни истайман».
17.30 «Соғинч».
17.50 «Кун мавзуси».
18.10 Премьера. Ж. Чан, Ж. К. Ван Дамм, Рутгер Хауэр. «Трюкач-

лар» экстремал шоусида.
18.50 «Кулгили одамлар».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 «Сўнгги қаҳрамон».
22.30 «Олтин граммофон».
23.30 «Ахборот».
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Хит-клиф». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Катта умидлар». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Хинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми. «Сувилов» лойиҳаси». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совға». Теле-табрикнома. 21.05 «Аждодлар хазиналари». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Ягона йўл». 23.45 Мусикий дастур.

Yakshanba

9

«Ўзбекистон» телеканалн

5.00 Рамазон тўхфаси. Аждодларга эҳтиром: Соҳибқирон.
5.25 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Аҳмад ал Фарғоний».
5.45 «Кўҳна замин оҳанглари».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Маърифат». Телеальманах.
12.30 «Рақибингиз - гроттмейстер».
12.45 «Талваса». Видеофильм. 1-қисм.
13.20 «Бир кулишай-

лик».
13.35 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
14.15 «КиноТеатр».
14.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Болажоним». Бадий фильм.
16.25 «Гап чикди».
17.00 ТВ клип.
17.05 Рамазон тўхфаси. Барҳаёт сиймо. Алишер Навоий.
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Фаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.00 ТВ клип.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 «Қўшигимиз Сизга

армуғон».
21.45 «Яхшилик».
«Якшанба кинозали»:
22.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Сёғун». Бадий фильм. 2-қисм.
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалн
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ – анонс.
9.05 «Давр»-репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
9.45 Куноққоқ дастури.
10.15 Очил дастурхон.
10.35 Чемпион сирлари.
10.45 Томорқа.
11.15 Аскар мактублари.
11.35 Кузги таътил экрани: «Пинокио». Премьера.
13.00 Оҳанрабо.
13.40 «Қилин қирқ ёриб...» интеллектуал ўйин.
14.30 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш

этади: «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадий фильм 5-қисм.
15.05 Азизим.
15.30 «Экспедиция». Кўп қисмли хўжжати сериал.
16.20 ТВ – анонс.
16.25 Ёшлар овози.
16.45 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.35 ТВ – анонс.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
18.20 «Мульттомоша».
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ – анонс.
19.25 Мусикий лаҳзалар.
19.40 «Қаҳқаҳа» театр студияси намоиш этади.
20.10, 20.50, 22.30 Ёшлар.
20.15 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадий фильм 6-қисм (яқунловчи)

20.55 «Заковат» саралаш ўйинлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ – анонс.
22.40 «Ёшлар» телеканалида премьераси «Хазонрезги». Бадий фильм.
0.30 – 0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалн
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.25, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Бог». 7 қисм (яқунловчи)
21.55 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».

22.55 Кинонигоҳ. «Ўнта негр боласи». 2-серия.
24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили курси».
9.15 «Соғлом овқатла-ниш сирлари».
9.25 «Бола бошидан».
9.40 «Мультсеанс».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
12.40 «Экран зийнати ва киймати».
13.05-14.25. Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Айчурек», «Ватан сурури», «Чинсэн».
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Хамма юлдузлар». Байрам концерти.
18.10 «Аралаш».
18.40 «КВН-2003». Олий лига.

21.00 «Дунёга назар».
21.30 «Тенгдошлар».
22.00 «Стиль».
22.15 «Кийси йўқ».
Азамат Абдураимов.
22.45 «Кинопрофи».
23.05 «Тахлилнома».
23.45 «Мусикий серпантин».
24.00 Бокс. Рой Жонс-Антонио Тарвер.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Хитклиф». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Ягона йўл». 14.30 Кундузги кинозал. 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ўлимга бир дақиқа қолганда» 19. «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Аждодлар хазиналари». Сериал. 22.00 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Ўлим қолқни». 23.45 Спорт шарҳи.

«ДАФТАР МУҚОВАСИДАГИ ЮЛДУЗЛАР» (4. 10. 2003)



Ушбу сарлавҳа остида, кишида мулоҳаза уйғутувчи мақолани ўқиганимдан сўнг, ўйлаб қолдим. Тагин ҳам мақолада мавзу бироз силлиқ тарзда кўтарилибди. Агар эътибор берсак, бугун ўқувчилар учун мўлжалланган ва сотувга чиқарилаётган дафтарлар муқовасида нафақат санъат ёки кино юлдузлари, балки, ўқувчи маънавий дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборадиган, уларни ўқишдан кўра бошқа нарсаларга қизиқтириб қўядиган суратлар кўпайиб кетган.

Яна бир мисол, тунов кунни ўғлимнинг кўлида бир дафтарни кўриб қолдим. Вазибаларни кўчириб олиш учун ўртоғидан олган эмиш. Дафтар бетидея курол кўтарган киши, юзида важоҳат билан турибди.

Шу ўринда яна бир масалани ҳал этиш керакка ўхшайди. Телеэкран орқали берилаётган фильмлар, турли хил, бемаъни манзаралар тасвирга туширилган видеотасмаларнинг сотилаётгани наҳотки ҳеч кимни ташвишга солмас?

Ҳар ҳолда бу ҳам жиддий ўйлаб кўришга арзигулик муаммо. Ёшларни маънан баркамол қилиб тарбиялаш мақсадимиз экан, бунга безътибор бўлмайлик.

Фазилат ТУРСУНОВА,
Бекобод тумани.

«СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ЭРКАКЛАР?» (1.10.2003)

Баъзида ҳайкириб юборгим келади. Биз эркакларга нима бўлаётми ўзи? Аёлларимизни кўчага чиқариб қўйиб, «уй бекалари» бўлиб ўтирибмизми? Бозорда аёллар савдо қилса, кўча-кўйда такси миниб ҳам уларга қолган бўлса...

Ана шу ўй-хаёллар билан юрган кезларимда, газетада чоп этилган ушбу мақола қўлимга қалам олишга мажбур этди.

Яқинда мен ҳам бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Таксичи аёл туғилган кунини нишонлади. Кечага фақат эркаклар келишди. Аёл уларни эрига ҳаммасларим деб таништирди ва шуларнинг ортидан кўчада тинч юганини, ҳар қандай хавф-хатардан мана шулар ҳимоя қилишини писанда билан тушунтирди.

Лақма эр эса, хотинининг гапларига ишондимки ёки у топаётган пулларга махлиё бўлиб қолганми, ҳар ҳолда аёлининг эркаклар билан бундай яқин муносабатда бўлишига унчалик аҳамият бермади. Йиғилган меҳмонларга елиб-югуриб хизмат қилди. Ҳали ошхонада идиш-товуқлар билан овора бўлса, дам ўтмай, меҳмонларнинг камчилигидан хабар олар эди.

Хотини эса тўрда савлат тўкиб ўтирганча, эркаклар билан хандон қулишарди.

— Кеча кўринмадингизми, жонидан, — деди йиғилардан бири.

— Шошманг, бугун бунни ўтказиб олайлик, эртага сиз билан маишатнинг зўрини қиламиз...

Ҳар ҳолда кўзимизни очайлик, эркаклик гуруримизни ерга уриб, аёлимизни кимларнингдир кўлига топшириб қўймайлик.

Пардабой ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон тумани.

Акс-садо

Дил изҳори

ШИФО УЛАШМОҚ – ШАРАФЛИ ИШ

Ўз касбига меҳр қўйган, йирик мутахассис, тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент давлат аграр университети шифохонасининг бурун, томоқ, қулоқ (лор) касалликлари шифокори Абдуфаттоҳ Умартоев ҳақида икки оғиз ширин сўз айтгим келди. Боиси, бор, албатта. Ушбу кўли энгил инсон мени дарддан қориг' этди.

Абдуфаттоҳ ўрта мактабни тугатгач, Олмаотадаги тиббиёт институтига ўқишга кирди. Илк бор Чимкент шаҳри касалхонасида шифокор-ординатор бўлиб иш бошлади. Орадан йиллар ўтиб, тажриба орттирган

А.Умартоев 1993 йили Тошкент вилоят касалхонаси лор бўлимига ишга келди. Бу ердаги фаолияти давомида кўплаб беморлар бу инсон қўлидан шифо топдилар.

Бугун моҳир жарроҳ Абдуфаттоҳ Умартоев қулоқ

эшитишининг пасайишини консерватив ва жарроҳлик йўли билан ўз ҳолига келтириш, ташқи бурун ҳамда бурун тўсиқлари қийшайишини даволаш каби тиббий йўналишларда беморларга шифо бағишлаб, мураккаб жараёнларга бош-қош бўлмоқда.

Шундай саховатли одамлар бор экан, бу дунёда савоб ишлар давом этаверади.

Миркарим МИРСОВУРОВ.

Бир хат изидан

МУХБИР БОРИШИ ШАРТМИДИ?

Оққўрғон туманидаги «Қахрамон» ширкат хўжалиги «Тоштўғон» маҳалласида яшовчи эр-хотинлар — Ҳабибулла Абдуллаев ва Нодира Тоштемуровалардан шикоят хати келган эди.

Унда ёзилишича, Ҳ. Абдуллаевнинг биринчи турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, ундан тўрт фарзанд қолган. 2001 йилда Н. Тоштемуровага уйлانган. 2002 йилда бир қизчалик бўлишган. Бугунги кунда яшаш шароитлари ночор аҳволда. Хонадонда фақат уй бошлиғининг топганлари еб-ичишга базўр етади. Боз устига улар билан бирга опаси Малика Абдуллаева ҳам яшар экан. Бу аёл болалигидан хаста, кўзи ожиз. Шунинг учун ҳам Нодира опа болалар ва қайнбекасини оқ ювиб, оқ тараб, уй юмушлари билан банд. Оила аъзолари шу пайтгача ёрдам ёки нафақа пулларини олишмаган.

Аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу хонадонда бўлди. Минг афсуски, оила бошлиғи бир ҳафта илгари бахтсиз тасодиф туфайли оламдан кўз юмган экан.

Нодира опага таъзиямизни билдирдикда, ундан кўнгил сўраган бўлди. Опанинг ҳасратидан «чанг» чиқди. Хатда кўрсатиб ўтилганидек, оила яшаётган уй ҳароба ҳолатида. Деворлар ёрилиб кетган, оёқ ости тупроқ бўлганлиги боис, уй ичи зах.

— Ҳеч қандай нафақа олмаймиз, — деди Нодира опа. — Малика опамизнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ, шунинг учун у кишига ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмайди.

2002 йилда қизчалик бўлди. Аммо бунга ҳам ҳеч қандай нафақа ёки ёрдам пули ололмайдим.

Сухбатимиз узоқ давом этди. Н.Тоштемурова ўта содда, ўз ҳуқуқини билмайдиган аёллардан. Аммо, маҳаллада шундай ночор оила бўла туриб, наҳотки, маҳалла оқсоқоли ундан беҳабар бўлса. Ахир, жамиятда ўзини ўзи бошқариш тизимининг жорий этилишидан мақсад ҳам жойдаги муаммони ўша ерда ҳал этиш, ёинки, жойлардаги бошқарув идоралари орқали юқори ташкилотлар билан биргаликда ечим топиш эмасми? Афсуски, «Тоштўғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отакул Каримовни ўша кунни топа олмадик.

Айтишларича, «Қахрамон» ширкат хўжалиги Ҳабибулла ака оламдан ўтгандан сўнг, 100 килограмм картошка, 100 килограмм пиёз ажритибди.

Маълум бўлишича, бу хонадондаги барча муаммоларнинг ечими бор экан. Болаларга 16 ёшгача тўланадиган нафақани «Тоштўғон» қишлоқ фуқаролар йиғини хат-ҳужжат билан расмийлаштириб, тўлаб бориши мумкинлиги ва бунга амалга оширажагини, туман ҳокимлиги Нодира опанинг олдинги эри билан ажрими билан боғлиқ ҳолатларни ҳал этишни ва Малика опага шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тайёрлаб, нафақа тайинлашни ўз зиммасига олди ва буларнинг ижроси учун бир ой муддат белгиланди.

Аммо, тахририят аралашувисиз ҳам шу ишларни қилиш мумкин эди-ку деган фикр ҳаёлимиздан кетмайди. Тўғри, бу оила аъзоларининг ўзлари ҳеч қачонга мурожаат қилишмагандир. Лекин, маҳалла-кўй, хўжаликдагилар уларнинг аҳволидан беҳабар бўлишмаганди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи стадионида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида келаси йили бўладиган Осиё чемпионатининг саралаш гуруҳи беллашувлари бошланди.

Баходир Тошмуҳаммедов бош мураббийлик қилаётган ўсмирларимиз гуруҳдаги биринчи учрашувни Шри-Ланка футболчиларига қарши ўтказди.

Беллашув ўзбекистонлик футболчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Вакилларимиз учрашув тақдирини биринчи бўлимнинг ўзида ҳал қилди. Иқтидорли ҳужумчи Ф.Усмонов тўққиз дақиқа ичида рақиб дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, "хет-трик"ка эришди. Тўртинчи гол яна бир моҳир ҳужумчи А.Шадрин ҳисобига ёзилди. Шри-Ланка футболчилари ягона жавоб тўпини ўйин тугашига икки дақиқа қолганда 11 метрлик белгидан киритди — 4:1.

— Ўйинда қайд этилган ҳисоб мени қаноатлантирди, — деди ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Б.Тошмуҳаммедов ЎЗА мухбирларига. — Лекин навбатдаги учрашувда ўйин сифатини янада оширишимиз лозим. Шу кунни 6-саралаш гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Шри-Ланка ёшлар терма жамоалари ҳам куч синашди.

Беллашувнинг дастлабки да-

қиқалариданоқ ташаббусни ўз кўлига олган Рауф Инилеев ва Дилшод Нуралиев шогирдлари 23-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Тезкор ҳаракатлари билан рақиб ҳимоячиларини шошириб қўйган "Нефтчи" аъзоси Н.Қўзибоев терма жамоамизнинг биринчи голини киритди. Дуранг илнжидея майдонга тушган Шри-Ланка ёшлар терма жамоаси аъзолари иккинчи бўлимда ҳимояни ташлаб, ҳужумга ўтишга мажбур бўлди. Бундан унумли фойдаланган Б. Умаров ва М.Бикмаев биттадан гол уриб, ҳисобни йириклаштирди — 3:0.

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари навбатдаги учрашувларни 2 ноябрь кунни бутанлик футболчиларга қарши ўтказди. Вакилларимиз ана шу ўйинларда ғалаба қозонса, ўсмирлар Японияда, ёшлар эса Малайзияда 2004 йили ўтадиган Осиё чемпионати финал қисмига йўлланма олади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎЗА мухбирлари.



ЎЗБЕКИСТОН – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ!

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан хабар беришларича, катталар ўртасида дзюдо бўйича 2005 йилги Осиё чемпионати юртимизда ўтказиладиган бўлди.

Бу масала Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида бўлиб ўтган китъа дзюдо федерацияси конгрессида ҳал этилди. Ўзбекистондан ташқари, Хитой, Хиндистон, Хитой Тайпейи каби давлатлар йирик спорт анжуманига мезбонлик қилиш истагини билдирган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистондан иборат дзюдо бўйича Марказий Осиё зонаси йиғилишида минтақа президенти лавозимига Атланта олимпиадаси бронза медали совриндори, ҳамюртимиз Армен Багдасаров сайланди. Марказий Осиё минтақаси президенти айни пайтда Осиё дзюдо федерацияси вице-президенти ҳам ҳисобланади.

ЎЗА.

ВАКИЛЛАРИМИЗ – ФИНАЛДА!



Шу йилнинг 27 ноябрь — 19 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраётган футболчиларимиз Афро-Осиё ўйинларида ҳам муваффақиятли тўп сурмоқда.

Виктор Борисов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларида Эрон ва Буркина-Фасо вакиллари билан бир хил — 1:0 ҳисобида енгиб, Зимбабве билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнагандан сўнг ярим финалга чиққан эди.

Ҳамюртларимиз ярим финалда Африканинг яна бир кучли вакили — Руандага қарши майдонга тушди. Учрашув жуда кескин ва муросасиз кечди. Ўйиннинг

асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Рақиб дарвозасига тўпни "Нефтчи" аъзоси Мансур Саидов киритди. Фолиб қўшимча вақтда аниқланди — "Машъал" аъзоси Константин Боев "олтин гол" уриб, терма жамоамизни финалга олиб чиқди — 2:1.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси финалда Хиндистон ҳамда Зимбабве ўртасидаги баҳс голиби билан куч синашади.

ЎЗА.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
sog'g'i
xabarlar

Франция: ШОКОЛАД САЛОНИ ОЧИЛДИ

Франция пойтахти Парижда тўққизинчи халқаро шоколад салони очилди. Унда дунёдаги 150 дан зиёд ширинлик ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирок этмоқда. Мазкур "2003-2004 йилги ширинликлар туркумининг қишки мавсуми"да барча қатнашчи компаниялар ўзи учун керакли янгилик ва ишлаб чиқаришдаги замонавий усуллар билан танишиш имконига эга бўлади.

Германия: ДАСТЛАБКИ ИМКОНИЯТ

Фарбий Германиянинг Кёльн шаҳридаги замонавий "Арт Колон" санъат марказида 37-халқаро расмлар кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 21 мамлакатидан келган, 40 ёшдан ошмаган, ҳали ўзининг шахсий кўргазмасини намойиш этмаган рассомлар қатнашмоқда. Кўргазмада 250 дан ортиқ сурат намойиш этилмоқда.

Ироқ: ЎН ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ

Саудия Арабистонида қочқин бўлиб яшаб юрган ироқлик қўчманчилардан тўрт юзга яқини орадан 12 йил ўтиб ватанига қайтишга муваффақ бўлди.

Ироқлик қочқинлар учун лагерлар 1991 йили чўл ҳудудларида барпо этилган эди. Қувайтни озод қилиш учун амалга оширилган "Сахро бўрони" операциясидан сўнг Саддам Хусайн мамлакат жанубида кўтарилган халқ ғалаёнларини бостириб, қаттиқ тартибдаги тузум ўрнатган эди. Натижада ўттиз уч мингдан кўпроқ ироқлик фуқаролар мазкур лагерлардан паноҳ топди. Яна 25 минг ироқлик Европа мамлакатлари, АҚШ ва Австралияга кетишга мажбур бўлган эди.

АҚШ: КАЛИФОРНИЯ ЎРМОНЛАРИ ЁНГИНДА ҚОЛДИ

АҚШда табиий офат юз берди. Калифорния штатининг жанубий қисмидаги ўрмонда кучли ёнғин чиқди. Ҳозирча уни жиловлашнинг иложи бўлмапти.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларда айтилишича, табиий офат оқибатида ўн олти киши қурбон бўлган ва саккиз юздан ортиқ турар жой биноси ёниб кетган. Ёнғин ҳозир бир юз йигирма минг гектарга яқин майдонни қамраб олди.

Африка: ЯНГИ НЕФТЬ КОНИ

Яқинда "Шеврон Тексако" компаниясининг бош бошқарувчиси Жеф Шеллебаргер Африка қитъаси соҳилларида жаҳондаги энг йирик нефть кони топилиганини маълум қилди. Компания Африка мамлакатларининг нефть қазиб олиш бўйича дунёдаги улуши 2010 йилга бориб, 20 фоизга чиқилиши башорат қилмоқда.

Ўтган йили қитъанинг нефть қазиб олиш бўйича ҳиссаси 11 фоизни ташкил этди. Нигерия биринчи, Ангола иккинчи ўринда бормоқда. Умуман, Нигерия дунёдаги энг кўп нефть экспорт қилувчи мамлакатлар орасида еттинчи ўринда туради.

Яқинда "Тотал" ва "Шел" компаниялари Нигерияда нефть қазиб олиш миқдорини икки баробарга ошириш режаси борлигини маълум қилди. Айни пайтда бу ердан қунига 2,2 миллион баррел "қора олтин" қазиб олинмоқда. Ангола эса 2008 йилга бориб, кунлик қўрсаткич-ни 3 миллион баррелдан оширишни мўлжалламоқда.

Шарҳловчи минбари

БМТ БЮДЖЕТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР

БМТ Бош ассамблеясининг Бешинчи қўмитасида ташкилотнинг маъмурий ва бюджет масалалари муҳокамаси давом этмоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташкилотнинг 2004-2005 йилларга режалаштирилаётган янги бюджет лойиҳасини тақдим этган. Мазкур лойиҳа БМТ бюджетини ўтган йилга нисбатан бирмунча кўпайтиришни кўзда тутди. Янги лойиҳага мувофиқ 2004-2005 йилга мўлжалланган бюджет ҳажми уч миллиард АҚШ долларини ташкил этиши керак.

Ташкилот харажатларини ўтган икки йилга нисбатан ярим фоизга, яъни ўн беш миллион АҚШ долларига ошириш ҳам кутилаётир. Бош котибнинг таъкидлашича, қўшимча бюджет харажатлари ҳисобига Африка қитъаси мамлакатларини иқтисодий ривожлантириш, гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳаларига ажратиладиган маблағлар миқдори ҳам кўпайтирилади.

Бош котиб БМТдаги саккиз юз ўнта лавозимни қайта қўриб чиқиш, алоҳида дастурлар таркибига кирувчи ички дастурлар учун юз миллион долларлик маблағни тақсимлаб чиқиш ҳамда ташкилот томонидан молиялаштирилаётган дастурлардан тўққиз юз ўн иккитасини бутунлай тўхтатиш таклифини киритди. Айни вақтда, янги бюджет лойиҳасида бир юз ўн еттита янги лавозимни таъсис этиш маса-

ласи ҳам белгиланди.

Кофи Аннанинг таъкидлашича, режалаштирилаётган қўшимча харажатлар БМТ ва унга аъзо мамлакатлар олдида турган вазифаларнинг бир қисминигина ҳал этишга етар экан. Бош котиб Ироқда содир этилаётган қўпуровчилик ҳаракатларига урғу бериб, келгусида БМТ ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бюджетда белгиланганидан ҳам кўпроқ маблағни талаб қилишини эътироф этди.

Маълумки, БМТнинг доимий бюджети унга аъзо мамлакатлар томонидан тўланадиган йиллик бадал ҳисобига шакллантирилади. Шунингдек, аъзо мамлакатлар жиноий ишлар бўйича халқаро трибуналлар ва тинчликни сақлаш операциялари учун ҳам алоҳида маблағ ажратади. Ҳар бир мамлакатнинг улуши унинг ички истеъмол маҳсулотларининг сўнгги ўн йилликдаги ўртача қўрсаткичи ҳамда аҳоли даромадлари ва мамлакат ташки қарзлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

БМТ Бош котиби ўз маърузасида бюджет ва бошқа харажатлар юзасидан аъзо мамлакатларнинг ташкилот олдидаги қарзлари икки ярим миллиард АҚШ долларига етганини айтиб ўтди. Шу йилнинг 23 октябрь ҳолатига қўра, БМТга аъзо бир юз тўқсон бир мамлакатдан бир юз йигирма биттасигина барча бадалларни тўлиқ тўлаган экан.

БМТ Низомининг 19 бандига мувофиқ, агар аъзо мамлакат қарзлари икки йиллик бадаллар миқдорига тенглашса ёки ундан ортиб кетса, ушбу мамлакат Бош ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилиши керак. Бош ассамблея мазкур мамлакатни унга боғлиқ бўлмаган вазият сабабли қарзларини тўлай олмаган деб топгандагина, "қарздор" овоз бериш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Будапешт. «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси.

АНА БУНИ ҚУЛОҚ ДЕСА БЎЛАДИ!

"Гиннеснинг рекордлар китоби"га кириш осон эмас. Лекин имкон топса бўлади.

Яқинда Грузиянинг юнон-рум кураши бўйича чемпиони Лаша Патарае бу ишни қулоғи билан уддалади. Яъни қулоқ билан юк кўтариш бўйича жаҳон рекордини янгилади. Лаша Патарае Тбилисида гувоҳлар олдида қулоғи билан микроавтобусни 48 метргача судраб борди. Ёш паҳлавон микроавтобусни тортишда ингичка нейлон арқондан фойдаланди. Кейин эса қулоғи билан 52 килограмм тошни 14 сония давомида кўтариб турди.

2001 йили хитойлик Ли Дзян Хуа қулоғи билан 50 килограмм гиштни тўққиз сониядан кўпроқ ушлаб турганди. Ўша пайтда бу жаҳон рекорди ҳисобланарди.

Воқеа "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан келган ҳакамлар кўз олдида содир бўлди. Янги муваффақият ҳақидаги хужжат, видео ва фотоматериаллар яқин кунларда мазкур наشرнинг бош идорасига жўнатилади.

Лаша 23 ёшда, бўйи 180 сантиметр, вазни 85 килограмм. Янги рекорд ўрнатилаётганда, юзлаб томошабинлар, жумладан, унинг рафиқаси ва беш яшар ўғли ҳам бор эди. Тадбирни Грузия спорт департаменти ҳамда "Георгий" сайёҳлик ва муваффақиятларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси ташкил этди.



УЧУВЧИ... АЁЛЛАР

Шу вақтгача учувчилик эркаклар касби деб қаралар эди. Бироқ хитойлик хотин-қизлар бу борада ҳам яна бир қадам олға ташлади. Энди улар самолётда нафақат оддий йўловчи, балки учувчи бўлиб парвоз қилиши мумкин. Фақат бунинг учун улар ҳам Хитойдаги фуқаролар авиацияси учувчиларини тайёрлайдиган институтни тамомлаши керак.

Ўқш давомида талаба қизлар учувчилик касбини маҳорат билан эгаллаши, уни санъат даражасига кўтариши, инглиз тилини мукамал ўзлаштириши лозим.

Жорий ўқув йилида икки юздан ортиқ абитуриент қиздан атиги беш нафари танлаб олинди. Имтиҳонда қизларнинг фақатгина ақл ва заковати эмас, балки соғлиғи ва чиройи ҳам муҳим аҳамият касб этди. Учувчи бўлишни орзу қилган қизларнинг бўйи ҳам камида 178 см бўлиши, ёши эса 18 дан ошмаслиги талаб этилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БОШҚОТИРМАЛАР УСТАСИ

Марокашда миллий рекорд қайд этилди. Лаарби исмли талаба йигит йигирма минг каттачадан иборат бошқотирма тузди. Бунинг учун унга етмиш кундан кўпроқ вақт керак бўлди.

Янги рекордчи мамлакат пойтахтига яқин шаҳарлардан бири Тифлетда истиқомат қилади. Унинг сеvimли машғулотини бошқотирма ва ребуслар тузиш экан. Қизик томони шундаки, у ҳар куни 60 белгидан кам бўлмаган кроссвордлардан тўрт-бештасини бемалол туза олган. Лаарби кун сайин ўз маҳоратини ана шу тарзда ошириб борган.

Бундан аввал Марокашда бошқотирма тузиш бўйича рекорд Муҳаммадия шаҳрилик кимсага тегишли эди. Унинг тузган кроссвордида 16 мингдан зиёд белги бор.



